



journal homepage:

<https://www.supportscience.uz/index.php/oiss>

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ АНЬАНАВИЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ XX АСР 20-30 ЙИЛЛАР ТАДҚИҚОТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ

**B.A. Odilov**капта ўқитувчиси, *PhD*

Тошкент давлат шарқшинослик университети

E-маил манзили: [Odilov1984@bk.ru](mailto:Odilov1984@bk.ru)

**Калит сўзлар:**  
 Хўжалик, ер, буғдой, сув, жамоа, пайкал, сугориш, этнография, дехқончилик, суғорма ер, анъанавий, пахта.

**Аннотация:** XX асрнинг 20-30 йилларида Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиё халқлари хўжалик хусусияти масалаларининг тадқиқ этилиши илмий ва амалий аҳамият касб этиб, совет ҳукуматининг аграр ва хўжалик юритиш фаолиятига оид ислоҳотларини жорий этишга хизмат қила бошлади. Тадқиқотларни олиб боришига турли соҳа мутахассислари қаторида этнографларнинг ҳам жалб этилиши, жамият ҳаётида ижтимоий мулкчилик муносабатларини ўзгартириш ва қишлоқ хўжалигида жамоалаштириш сиёсатини ахолига тарғиб этилишида кенг фойдаланилди. Тадқиқотчилар ўзбек халқининг азалдан шаклланган ва ривожлантириб келаётган хашар, ерга жамоавий ишлов бериш анъаналарини ўрганишга ургу бердиларки, ушбу жараёнлар Ўзбекистон минтақасини барча кўп сонли ахоли истиқомат қилувчи худудларини қамраб олди. Айтиш жоизки, негизида хусусий мулкчилик муносабатларини акс эттирган анъанавий хўжалик шакллари (хусусан “пайкал”) аслида умумий (жамоа, давлат) мулкнинг шакллантиришга мослаштириб талқин этилди. Ушбу мақолада, ерга жамоавий ишлов бериш анъаналарини ўзида акс эттирган тадқиқотлар тизимлаштирилган ва қиёсий таҳлил этилган.

## ANALYSIS OF TRADITIONAL ECONOMIC RESEARCH 20-30 YEARS OF THE XX CENTURY

**B.A. Odilov***PhD,*

Senior lecturer at Tashkent State University of Oriental Studies

E-mail address: [Odilov1984@bk.ru](mailto:Odilov1984@bk.ru)

**Key words:** Farm, land, wheat, water, community, sharecropping, irrigation, ethnography, agriculture, farming, reform, irrigated land, traditional, cotton.

**Abstract:** In the 20-30s of the XX century, the study of economic issues of Uzbekistan and the peoples of Central Asia in general became of scientific and practical importance and began to serve the introduction of reforms in the agrarian and economic activities of the Soviet government. The research has been widely used to involve ethnographers as well as experts in various fields, to change the relationship of social property in public life and to promote the policy of collectivization in agriculture. The researchers stressed the need to study the long-established traditions of the Uzbek people in the field of hashar, collective farming, which covered all the most populous regions of Uzbekistan. It should be noted that the traditional forms of economy (especially "paykal"), which are based on private property relations, were in fact interpreted in accordance with the formation of common (public, state) property. In this paper, research that reflects the traditions of collective farming on the ground is structured and compared.

## АНАЛИЗ ТРАДИЦИОННОГО ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ 20-30 ГОДУ XX ВЕКА

**Б.А. Одилов**

*PhD, старший преподаватель*

*Ташкентского государственного университета востоковедения,*

*Адрес электронной почты: [Odilov1984@bk.ru](mailto:Odilov1984@bk.ru)*

**Ключевые слова:** Ферма, земля, пшеница, вода, сообщество, орошение, сельское земледелие, орошаемые традиционные, издольство, этнография, хозяйство, реформа, земли, хлопок.

**Аннотация:** В 1920-1930-е гг. Изучение экономической природы народов Узбекистана и Средней Азии в целом приобрело научное и практическое значение и стало служить проведению реформ в аграрно-хозяйственной деятельности Советской власти. Исследование широко использовалось для вовлечения этнографов в различные области, для изменения отношений социальной собственности в общественной жизни и для продвижения политики коллективизации в сельском хозяйстве. Исследователи подчеркнули необходимость изучения давно сложившихся традиций узбекского народа в области хашара, коллективного ведения хозяйства, охватившего все наиболее густонаселенные районы Узбекистана. Следует отметить, что традиционные формы хозяйства (особенно «пайкал»), основанные на отношениях частной собственности, фактически трактовались в соответствии с формированием общей (общественной, государственной) собственности. В данной статье структурированы и сопоставлены исследования, отражающие традиции коллективного земледелия.

### Кириш

Жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, илмий тадқиқотчилар томонидан эришилган натижалар ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилиши

аксарият холатларда самара берган. Ёки аксинча, илмий тадқиқотлар самара берувчи мақсадли тадқиқотларга йўналтирилган. Халқимизнинг турли тарихий даврларида эришган илғор тажрибалари, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритган натижалари ва уларнинг ривожланиш омиллари, инқирозли даври ва унинг сабабларини тадқиқ этиш масаласи ҳам долзарб хисобланиб, совет иттифоқи даври тадқиқотчилари эътиборини тортган ва ушбу муаммо қатор тадқиқотларда акс эттирилган.

XX асрнинг 20-йилларидан ўзбекларнинг анъанавий хўжалик ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлаган. Мазкур жараёнлар советларнинг жамият ҳаётида ижтимоий мулкчилик муносабатларини мажбуран үрнатиш сиёсати ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлари билан боғлиқ кечганлиги буғунги кунда барчага аён. Статистик маълумотларда қайд этилишича, айнан 1924–1925 йилларда меҳнат қилишга лаёқатли бўлган аҳолининг 85 фоизи ўлка қишлоқ хўжалигига банд эди ва аграр секторнинг салмоғи бутун ялпи маҳсулотнинг қарийб 80 фоизини ташкил этди[1]. Бу хақида, Туркистон ўлкаси иқтисодий ҳаётига бағищланган А. Демидовнинг тадқиқотида ҳам таъкидланадики, ўлкада қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг ривожланишида суғорма дехқончилик мухим аҳамиятга эга бўлган, XX аср бошларига қадар ишлов бериладиган майдоннинг асосий қисмини суғорма ерлар ташкил этган[2].

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан муаллифнинг билим ва тасаввурларга эга эканини намоён этувчи қисм ҳисобланади. Адабиётлар таҳлили мавжуд интеллектуал худуд доирасини баҳолаш ва шу асосда маълум харита яратишни англатади. Адабиётларнинг танқидий таҳлилидаги уринишлар мазкур мавзу доирасидаги билимларни кучайтиради ва тадқиқот саволларини янада ойдинлаштиришга ёрдам беради. Ўз мазмунига кўра ҳар қандай тадқиқот айни шу соҳада яратилган аввалги билимлар негизига қурилади. Адабиётлар бўйича таҳлил асосан соҳадаги энг янги журнал мақолалари ва бошқа турдаги маълумот манбалари асосида амалга ошади (мавзуга оид мақолаларни калит сўзлар ёрдамида [www.scholar.google.com](http://www.scholar.google.com) қидирув тизимидан топиши мумкин).

### **Тадқиқот методологияси**

Мақолада адабиётлар таҳлили хронологик кетма кетлиқда амалга оширилган бўлиб, даврий маълумотлар қиёсий таҳлил этилган ва фикрлар миқдорий кўрсатгичлар билан исботланган. Шунингдек XX асрнинг 20-30 йилларида амалга оширилган тадқиқотлар ўз даври ҳукумати сиёсати учун амалий характер касб этганлиги ва муаммони ёритища фақат бирёқламалик акс эттирилганлиги очиб берилган. Қолаверса, scopus, web of science ва бошқа индексларга эга нуфузли мақола ҳамда бошқа маълумотлар методларидан кенг фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

1920–1930-йилларда олиб борилган аграр ислоҳотлар, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш индивидуал меҳнат фаолиятидан хўжаликни жамоавий асосда юритиша ўтиш қишлоқнинг ижтимоий таркибини ўзгартириб юборди[3]. Қишлоқ хўжалигига ерсув ислоҳотлари ва жамоалаштириш билан боғлиқ пахта майдонларининг кенгайтирилиши анъанавий дехқончиликнинг кескин ўзгаришига олиб келди.

Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигига ўтказилган бу каби ислоҳотлар натижасида дехқонларнинг ўз ерига, мулкига, етиштирган ҳосил ва даромадига эгалик ҳисси ҳамда ерга, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулк даҳлсизлиги бутунлай инкор этилди.

Ўрганилаётган даврда маҳаллий халқларнинг хўжалик фаолиятини амалдаги ислоҳотларга хизмат қилувчи жиҳатларига бағищланган бой этнографик материаллар акс этган қатор тадқиқотлар юзага кела бошлади. Бундай мавзулар орасида минтақа халқларининг дехқончилик, сугориш, ер-сув муносабатлари, ерга жамоавий ишлов бериш анъаналари, ишлаб чиқариш куроллари, жамоа хўжаликлари – колхозлар ташкил топиши

муносабати билан улардаги ҳаёт ва фаолият ҳақидаги ишлар тадқиқот объекти бўлди. Ўтказилган ушбу тадқиқотлар кўлами Ўзбекистоннинг деярли барча худудини қамраб олиб, Фарғона водийси, Тошкент, Зарафшон, Хоразм, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари каби этнографик минтақалар шулар жумласидан.

Мазкур даврда ўзбек халқининг турмуш тарзи, маданияти ва анъаналарини ўрганиш учун муҳим бўлган бир қатор экспедициялар амалга оширилган бўлиб, ҳўжалик муносабатлари кенгроқ ёритилган этнографик тадқиқотлар муаммони ёритишида аҳамиятлидир. Жумладан, 1926 йилда маҳсус комиссия текширувлари асосида тўплланган, умумий очерк сифатида рус тилида нашр этиб борилган “Ўрта Осиёнинг замонавий қишлоғи” номли бир неча қисмдан иборат бўлган илмий-статистик тўпламларда қишлоқ ҳўжалиги, шаҳар ва қишлоқнинг ижтимоий-иктисодий тавсифи, ҳўжалик бюджетлари, хунармандчилик, савдо ва ижара, маъмурий жамият қурилиши ҳақида ўлканинг турли минтақалари мисолида батағсил маълумотлар келтирилган[4].

Ушбу тўпламнинг 1926 йилда нашр этилган Фарғона водийси ва Тошкент воҳасига бағишлиланган қисмида дехқончилик борасида қуйидаги маълумотлар берилган. Суғорма ерларда, одатда, кузги буғдой, сугорилмайдиган лалми ерларда эса баҳори буғдой етиширилган. Йирик, текис бошоқли оқ буғдой, кейин қизил буғдой, қўнгир буғдой, қора буғдой каби навлари суғорма ва лалми ерларда экилган. Тошкент воҳасида эса буғдойнинг лайлак ёки тия тиши деб номланган нави экилган. Тоғларда совукқа чидамли бўлган сугориб етишириладиган хивит номли буғдой нави етиширилган. Шуни эътиборга олиш лозимки, маҳаллий буғдойнинг барча навларига маълум даражада жавдар қўшилган. XX аср бошларидан Тошкент ва Андижон уездларида буғдойнинг Россиядан келтирилган қубанка нави экилган.

Бу даврдаги минтақа халқларининг ҳўжалик ҳаётини ўрганишда П. П. Ивановнинг 1935 йилда нашр этилган мақоласи муҳим аҳамият касб этади[5]. Муаллифнинг маълумотига кўра, Ўрта Осиёда экинлар экиш вақтига қараб иккига: кузги экин (оқ), баҳорги экин (кўқ)га бўлинган. Қишлоқ ҳўжалиги экинларини кузги ва баҳорги-ёзги турларга бўлиш бутун Ўрта Осиёга хос бўлган. Фарғона ва Тошкентда куз ойида буғдой ва арпа экилиб, “кузги” экинлар деб, баҳори-ёзги экинлар эса “баҳори”, “кўқ” ёки “қора экинлар” деб аталган[6]. Хоразмда буғдой ва арпа кузги экин ҳисобланниб, кўқ экинларга барча қолган донли экинлар кирган. Бухоро воҳасида оқ ва кўқ экинларга фақат донли экинлар, Зарафшон, Қашқадарёда эса фақат сабзавот экинлари ва кўкатлар (сабзи, пиёз, шолғом ва бошқалар) кирган[7].

Албатта, мазкур тадқиқотлар Ўзбекистон халқлари ҳўжалик тарихини, этнографиясини ўрганишда катта аҳамият касб этишлиги билан бирга ўсимлик турлари ер эгалари томонидан ихтиёрий экилганлиги ва дехқончилик самарадорлигига табиий географик жойлашув, иклим шароит инобатга олинганлигини шунингдек, ахоли истеъмол товарларининг турли-туман бўлганлигини кўрсатади.

Сунъий суғорма дехқончилик ер ва сувдан жамоавий асосда фойдаланишни тақозо этиб, йирик ирригация тармоқларининг ҳашар йўли билан барпо этилиши, уни мавсумий тозалаш, ҳосилни йиғиб олишда қишлоқ жамоасининг ўрни катта бўлган. Шу сабабли совет иттифоқи йилларида Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос ҳўжалик хусусиятларини, қадимдан давом этиб келаётган дехқончилик, сугориш, чорвачилик ва хунармандчилик анъаналарини илмий асосда ўрганишга катта аҳамият берила бошланди. Бу каби илмий тадқиқотлар ўзбек халқининг “социалистик қурилиш режаси” ни амалга ошириш билан боғлиқ равища олиб борилган.

Совет ҳукумати ўлкада қишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш учун олиб борган ислоҳотларини амалга оширишда ўлка халқларининг ерга жамоавий асосда ишлов бериш анъаналарини ўрганишга мутахассис олимларни ҳам жалб қилган. Масалан, XX асрнинг 20–30-йилларида ўлкада ер-сув ислоҳоти, қишлоқ ҳўжалигини колективлаштириш сиёсати фаол олиб борилган даврда Д. Басов ва В. Полозов[8] лар томонидан

Ўзбекистоннинг жанубий минтақаларида аҳолининг хўжалик фаолияти, суғориши анъаналари ва унинг ижтимоий қатламлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган.

Д. Басов ва В. Полозовнинг илмий изланишларида Ўзбекистоннинг жанубидаги кам сувли минтақаларда ер ва сувдан самарали фойдаланиш учун ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани, Қашқадарё вилоятининг Косон ва Қарши туманлари худудларида XX аср бошларига қадар ердан жамоа бўлиб фойдаланиш анъанаси амал қилиб келганлиги таъкидланган. Бу, айниқса, пайкал тизимида ер-сувдан оқилона фойдаланиш, сувни тенг тақсимлаш, жамоавий ҳашар йўли билан коризларни қазиш ва таъмирлаш ишларини бажаришда катта аҳамиятга эга бўлган. Узоқ асрлар давомида суғорма дехқончилик маданияти тараққиётида асосий роль ўйнаган ер-сув қўшничилик жамоаси Тошкент воҳасида *тўп*, Фарғонада *кетмон*, Зарафшон водийсида *қўши*, Хоразмда *жабди*, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳавзаларида эса *пайкал* деб аталган. Анъанавий жамоавий дехқончилик Ўзбекистоннинг тоғли, тоғолди ёки ярим дашт минтақалари (Шеробод ва Қарши воҳалари)да яхши сақланиб қолган эди. XX аср бошларидан жамоа бўлиб ердан фойдаланиш анъаналари Туркистон ўлкаси, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига ўзига хос жиҳатларга эга бўлган. Ўзбекистон, умуман Ўрта Осиё худудларида суғорма дехқончиликнинг ўзига хос шакллари, яъни ер-сув қўшничилик жамоалари кенг ривожланган[8].

Ердан жамоавий фойдаланиш анъаналари Тошкент, Фарғона воҳаларида локал жамоавий характерга эга бўлган бўлса, Қарши, Сурхон ва Хоразм воҳаларида уруғ-жамоавий характерга эгалиги билан алоҳида ажralиб турган. Д. Басовнинг фикрича, ҳайдаладиган ердан жамоавий қайта тақсимлаш асосида фойдаланиш узоқ давр мобайнинда асосан кейинчалик ўтроқлашган ҳамда қисман уруғларга бўлинишини сақлаб қолган аҳоли қатламлари ўртасида сақланиб қолган эди. Шеробод воҳасида ердан фойдаланишнинг жамоавий – пайкал ва хусусий дехқончилик – ҳаят (анъанавий томорқа хўжалигининг бир шакли) формаси мавжуд эди. Аммо, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товарлилик даражаси ошиши билан жамоа бўлиб ердан фойдаланишдан хусусий дехқончиликка ўтиш бошланди. Д. Басов ердан фойдаланишнинг тарихий тараққиётини кузатиш орқали пайкаллар ерга эгаликнинг қадимги шакли – ҳаятдан ташкил бўлганлигини қайд этади. У ўз фикрини давом эттириб, “ердан фойдаланишнинг *пайкал* тизими ўз навбатида кейинги даврларда ўзгариб, яна ҳаят шаклига ўта бошлади. Аммо аксинча эмас”, – деб таъкидлаган эди[8]. Албатта, муаллифнинг бу фикрлари ўринлидир. Чунки, XIX аср охири – XX аср бошларига келиб аҳоли сони ва ундан келиб чиқиб, суғорма ерларда аҳоли зичлигининг ортиши, дехқончилик маҳсулотларига бўлган талабларнинг ошиши ва бир қисм чорвадор этник гуруҳларнинг дехқончилик билан шуғулланиб, уларда ўтроқлашув жараёнининг кучайиши каби омиллар ердан фойдаланиш шаклларига таъсир ўtkаза бошлаган эди. Бу эса уруғчиликка асосланган жамоавий–пайкал тизими асосларини емира бошлади. Натижада уруғчилик элементларининг аҳамияти камайиб, ассимиляция ва хўжаликмаданий жиҳатдан яқинлашув жараёни кучая бошлаган эди[9]. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, совет хукумати жамоа бўлиб ердан фойдаланиш анъаналарини, жамоавий ҳаёт билан боғлиқ урф-одат ва маросимларни ўрганишни, тарғиб қилишни маъқуллаган. Жумладан, пайкал, қўш, жабди каби ер-сув қўшничилик жамоалари фаолияти каби анъаналар советларнинг жамоалаштириш сиёсатига мос деб қаралганлиги сабабли дастлабки паллада улар қўллаб-куватланган.

Ўзбекистон колхозлари ва қишлоқ хўжалигига оид мақолалар тўпламларини ҳам 1920–1930 йиллар тарихий-этнографик адабиётлари жумласига киритиш мумкин. Уларда қишлоқ аҳолисининг ҳаёти ва турмуши, машгулоти ўз ифодасини топган[10]. Ўлкада пахтачилик ва пахта саноатининг ривожланиши масалаларига бағишлиланган қатор асарларда ҳам ўзбекларнинг хўжалик хусусиятлари ёритиб берилган. Масалан, А. Новиков, В. Юферев-нинг асарлари[11] да ўлкада пахтачиликнинг ҳолати, истиқболлари,

пахта майдонларининг ўлчамлари билан биргаликда дәхқончилик анъаналари ҳақида мухим этнографик материаллар ҳам берилган. Масалан, В. Юферев Фарғона водийсида пахта майдонлари ҳамда паҳтакор аҳолисининг таъминоти масалаларига тўхталиб ўтган[11]. Н. Вавилов[12], С. Кондрашев[13] каби муаллифларнинг асарларида эса ўлкада паҳтачиликнинг ривожланиши, ўсимликларга агротехник ишлов бериш, суғорма дәхқончилик ва дәхқонларнинг ҳаётига доир материаллар баён қилинган.

Жумладан, Н. Вавилов Хоразм воҳасининг экин майдонлари ва экин таркибини ёритиб, уларни дәхқончилик районлари акс эттирилган рангли хариталар орқали баён қилинган[12]. Китобда 1926–1927 йиллар давомида етиштирилган маҳсулот турлари ва экин майдонлари акс эттирилган. Шунингдек, дәхқончилик техникаси хусусиятлари Хива воҳасининг ирригацияси, “чиғир” суғориш техникаси, ариқ ва каналларни тозалаш ишлари ҳақида кўплаб этнографик материаллар баён қилинган. Асарда дәхқончилик ўсимлиги ҳисобланган жўхори тўғрисидаги маълумотлар алоҳида қайд этилган ҳамда буғдор, жавдар, тариқ, шоли, арпа, дуккакли ўсимликлар, мойли ўсимликлар, зигир, пахта, каноп ва бошқа полиз экинлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Лекин, кейинчалик ушбу дәхқончилик маҳсулотлари пахта етиштиришини кенгайтирилиши оқибатида кескин кисқариб ер унумдорлигини пасайишига ва аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилишини чекланишига сабаб бўлган.

С. Кондрашевнинг асарида Россиянинг Европа кисми жанубий ва жануби-шарқий губерниялари ҳамда уларга нисбатан қуруқ иқлимга эга бўлган Кавказорти ва Туркистон ўлкасидаги суғорма хўжаликларида сувдан рационал фойдаланиш, далада сув таъминотини яхшилаш ҳамда суғорма дәхқончилик хусусиятлари ҳақида қиёсий маълумотлар келтирилган[13].

Муаллифнинг 1931 йилда нашр этилган Хоразм воҳасидаги суғорма дәхқончилик анъаналари ҳақидаги этнографик материалларга бой бўлган асари олти бобдан иборат. Асарнинг муқаддимаси бўлган биринчи бобида муаллиф китобда келтирилган материалларга шарҳ бериб, аслида бу тадқиқотга унинг ўзи бошчилигига 1914 ва 1915–1916 йилларда Кўйи Амударё воҳасида олиб борилган экспедиция материаллари (нашр этилмаган) асос бўлганлиги ва улар кейинчалик янги материаллар билан тўлдирилиб, нашр этилганлигини таъкидлайди[13].

Китобда материалларни беришнинг ўзига хос усули ишлаб чиқилган. Хўжаликнинг муайян ер майдонида сув сарфи ва ҳосилдорлик даражасини ҳисоблаш йўли билан дәхқончиликнинг интенсивлиги масалаларига эътибор қаратилган. Масалан, асарнинг иккинчи бобида хўжаликлар рўйхати ва уларнинг ер майдони, ўсимликлар таркибига сув билан таъминланганлик даражасининг таъсири ва, умуман Хива хонлигидаги ҳосилдорлик даражаси унинг бошқа минтақалари билан қиёсий таҳлил қилинган.

Асарнинг учинчи бобида хўжаликларнинг топографик режалари баён қилинган. Унда экиладиган майдонларнинг чегаралари, экин майдонларининг фоизи, суғориладиган ерлар ва экин майдонларининг коэффициенти, суғориш тармоқларининг зичлиги, суғориладиган майдонларнинг формаси, энг мухими, чиғирлар ва уларнинг тузилиши ҳамда турлари ҳақида мухим этнографик маълумотлар баён қилинган. Ушбу маълумотлар, албатта, янги суғориш иншоотларини барпо этилиши, сувдан фойдаланиш ва уни бошқаришга оид ишлар учун амалий аҳамият касб этган.

Шунингдек, С. Кондрашевнинг 1931 йилда нашр этилган яна бир асарида Туркистон ўлкасининг табиий шароити, аҳолининг меҳнат қуроллари, паҳтага ишлов бериш механизацияси борасида кўпгина этнографик материаллар берилган[13] ва маълумотлар соҳани ривожлантиришдан манфаатдор бўлган ташкилотлар ташаббуси билан тўпланган.

Асар тўрт бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда табиий шароит талаб этадиган иссиқлик, намлиқ, ёруғлик, тупроқ ва паҳтачилик районларининг бошқа табиий шароитлар белгилари ёритиб берилган. Иккинчи ва учинчи бобларда меҳнат қуроллари –

анъанавий омочдан тортиб, ўша даврнинг ўсимликларга ишлов берадиган замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ҳақида маълумотлар берилган. Айниқса, анъанавий омоч, мола ҳақида муҳим маълумотлар келтирилиб, унда омочни ер ҳайдаш қуролларининг Ўрта Осиё примитив типи деб атаган. Омочнинг қисмлари бўйича таъриф берилган. Омочга қўш хўқиз ёки от қўшилган (13–14 расмлар). Омоч билан ер ҳайдалгандан сўнг мола босилган. Муаллиф омочни “туземний плуг” деб атаган ҳолда, молани “барона” деб нотўғри номлайди, ушбу меҳнат қуроллари ҳақида батафсил маълумотлар Н. Шредер ва Н. Александров-ларнинг асарларида берилганигини таъкидлайди. Шунингдек, кетмон ва унинг турлари – доира шакл бухороча, овалсимон тошкентча ва саккиз шаклли андижонча (*курсив диссертантники*) шаклларини ажратиб кўрсатган ва чизмаларда акс эттирилган[13]. Асарнинг тўртинчи бобида эса, ер ва сувни жамоа мулкига айлантириш, эски суғориш тармоқларида механизация, совхозлар, агрокомплекслар тузилиши ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар билан танишиш мумкин.

1927 йилда “Вестник ирригация” журналининг биринчи сонида К. Л. Покровскийнинг Ўрта Осиёда сувдан фойдаланиш ҳукуқининг ривож-ланиши масалаларига бағишлиланган мақоласи нашр этилган[14]. Муаллифнинг таъкидлашича, XIX асрнинг иккинчи ярмида Тошкент воҳасида ер масалаларининг ривожланиши ва аҳоли ўртасида меҳнат мажбуриятларининг тақсимланишида “қўш”, яъни деҳқончиликнинг шартли бирлиги – қўш хўқиз (омочи ва бошқа меҳнат қуроллари билан бирга) муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, “Вестник ирригации” журналида ўлкада янги ирригация тармоқларини бунёд этишга қаратилган лойиҳалар билан бир қаторда, маҳаллий ҳалқларнинг қадимий анъанавий сув иншоотларига бағишлиланган қатор мақолалари ҳам бериб борилган. Масалан, Б. Кастьальскийнинг мақоласида Сурхон-Шеробод воҳасидаги қадимги сув иншоотлари – канал ва ариқларнинг ўзанлари, уларнинг сув ҳажми, суғориш салоҳияти ҳақидаги муҳим маълумотлар ёзиб қолдирилган[15]. Шунингдек, ушбу даврда ирригация тарихига оид бошқа илмий тадқиқотлар ҳам ўтказилган бўлиб, уларнинг аксариятида суғориш тизими ҳолати, муаммолари, янги ерларни ўзлаштириш масалалари ёритилган.

Суформа деҳқончилик ишлаб чиқарувчилардан қаттиқ меҳнат ва кўп маблағ талаб қилган. Йирик ирригация тизими ва уларни вақти-вақти билан тозалаш ҳамда таъмирлаш нафақат моддий чиқимлар, балки ташкилий равишда кўп ишчи кучларини ҳам жалб этишни талаб қиласи эди. Айниқса, бу ҳолат Хоразм воҳаси учун ниҳоятда долзарб эди. Аксарият суғориш тизимлари тезда қум ва лойқа билан тўлиб қолар ва уни доимий таъмирлашни талаб қиласи эди. Йирик ирригация–канал ва ариқларни марказий ҳокимият, кичикроқ маҳаллий ирригация тармоқларини эса деҳқонларнинг ўzlари жамоа-ҳашар йўли билан тозалаган. Ўзбекистоннинг тог ва тоғолди суформа деҳқончилиги текисликдаги суғориш тизимидан фарқ қилиб, ирригация тизимининг камлиги билан ажralиб туради. Тог суформа деҳқончилиги илмий адабиётларда булоқ, жилға деб аталган.

1920–1930 йиллар давомида маҳаллий даврий матбуот саҳифаларида қишлоқ хўжалиги унумдорлигини янада ошишига эришиш мақсадида мамлакатдаги қишлоқ хўжалиги ҳаётини ёритиб бориш бўйича бир қадар ишлар амалга оширилган. Жумладан, уларда қишлоқ хўжалиги соҳасида ютуқларга эришган соҳа вакилларининг меҳнат фаолияти, амалга оширган ишлари, илғор тажриба ва амалиётлари ҳақида мақолалар эълон қилинган. Хусусан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига бағишлиланган ойлик журналда соҳага доир қатор мақолалар эълон қилиб борилган.

Бундан ташқари, бир қатор даврий нашрлар (газета, журнал) ва даврий тўпламларда ҳам ўлка ҳалқларининг ушбу хронологик даврдаги хўжалик фаолиятининг турли жиҳатларини ёритиб берувчи мақолалар ўрин олган. Жумладан, 1921–1922 йилларда рус тилида нашр этилган “Туркистон иқтисодий ҳаёти”, 1922 йилдан нашр этила бошлаган “Қишлоқ хўжалиги ҳаёти”, 1922–1924 йилларда фаолият олиб борган “Туркистон ҳақиқати”, “Туркистон хабарлари”, 1919–1934 йиллардаги “Иқтисодий

ҳаёт”[16] ҳамда 1931, 1934 йилларда ўзбек тилида нашр этилган “Колхоз йўли” каби нашрлардан ўрин олган мақолаларнинг аксарияти сиёсий-мафкуравий мазмунда бўлса-да, давр муаллифларининг ўлка халқларининг хўжалик хаётига доир кўплаб фикр-мулоҳазалари билан танишиш мумкин. Бу жараёндан кўзланган мақсад халқни мамлакатдаги ислоҳотлар билан таништириб бориш, қишлоқ хўжалигига гўёки “социалистик қурилиш” режаларининг муваффақиятли олиб борилаётганлигини намуна қилиб кўрсатишдан иборат эди.

### **Хулоса ва таклифлар**

1920–1930 йилларда Ўзбекистонда хўжалик масалаларини тадқиқ этиш масаласи совет ҳокимиятининг социалистик қурилиш режаси доирасида олиб борилган бўлиб, мақсадли амалга оширилди, тадқиқодларнинг илмий аҳамияти ортди. Айниқса, этнографик мазмундаги қатор тадқиқотларда ўлка халқлари анъанавий хўжалик хусусиятлари ёритиб берилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Шуни эътироф этиш лозимки, кейинги авлод олимлари ушбу давр тадқиқотлари асосида илмий ишлар кўламини кенгайтириб, ўз ўтмишдошлари муваффақиятларини бойитиб, бу борадаги ишларни давом эттиришди. Энг муҳими, этнографияни тарихий билимлар тизимининг таркибий ва узвий қисми тарзида мустақил илм соҳаси сифатида ривожланиши учун асос яратилди. Лекин, шунга қарамай, ушбу ўтказилган этнографик тадқиқот натижаларидан ўзбек халқи анъанавий хўжалиги яхлит ҳолда таҳлил этилмади. Саноқли тадқиқотлардагина ўзбек халқининг анъанавий хўжалигининг у ёки бу жиҳатлари ёритилиши билан чекланилди. Маҳаллий даврий матбуотда эса советлар ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ислоҳотларгина ёритилган бўлиб, анъанавий иқтисодий тизим, маҳаллий халқларнинг хўжалик ҳаёти масалаларининг чукур ёритилиши гўёки “социалистик ҳаётга ёт тушунча” сифатида қаралди.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. – Тошкент: Шарқ, 2000. – Б. 326.
2. Демидов А. П. Экономические очерки хлопководства, хлопковой торговли и промышленности Туркестана. Изд.2. – М., 1926. – С. 11.
3. Узбеки. – М.: Наука, 2011. – С. 195–196.
4. Современный кишлак Средней Азии.: социально-экон. Очерк. Вып. 11. Каракульская волость. Узбекская ССР. – Ташкент, 1927; Современный кишлак Средней Азии: социально-экон. очерк. Вып.7. Ханкинская волость (Хорезмской области Узбекской ССР). – Ташкент, 1926. – 153 с.; Современный кишлак Средней Азии: социально-экон. очерк. Вып. 4. Вабкентская волость (Зеравшанской области Узбекской ССР). 1926; Современный кишлак Средней Азии: социально-экон. очерк. Вып. 3. Китабская волость (Кашка-Дарынской области Узбекской ССР), 1926. – 271 с.
5. Иванов П. П. Из области среднеазиатской хозяйственной терминологии // Известия АН СССР. Отделение общественных наук. – 1935. – №8. – С. 750–751.
6. Иванов П. П. Из области среднеазиатской хозяйственной терминологии... – С. 751.
7. Абдураимов М. А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI – первой половине XIX века. Т.1. – С. 233.
8. Басов Д. Пайкалы Ширабадской долины // За реконструкцию сельского хозяйства – Самарканд, 1929. – №2; Полозов В. А. Узбекское общинное землепользование в Шерабадской долине и Каршинской степи Уз ССР // Народное хозяйство Средней Азии. – Ташкент, 1925. – №7. – С. 69–75.
9. Каюмов А. Р. Этническая ситуация на территории Южного Узбекистана в XIX – начале XX века (по материалам Сурхан-Шерабадской долины). Автореф. Дис. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2011. – С. 23.
10. Труд и быт в колхозах. Из опыта изучения колхозов // Колхозы Советского Востока. Сборник статей. – Л., 1931.

11. Новиков А. Хлопководство и хлопковая промышленность // Вся Средняя Азия. Справочная книга на 1926. – С. 153–163; Юферев В. И. Хлопководство в Туркестане. – Л., 1925; Юферев В. И. Очерки по экономике хлопкового хозяйства. – М.: Промиздат, 1927.
12. Вавилов Н. И. Возделываемые растения Хивинского оазиса. Ботанико-агрономические очерки // Труды по прикладной ботанике и селекции. – Л., 1929. Т. XX.:
13. Кондрашев С. К. Вода в орошаемом хозяйстве. – М.: Новая деревня, 1922; Ўша муаллиф. Орошаемый Хорезм. Организация орошения, территории и труда в дехканских хозяйствах низовьев р. Аму-Дарьи. – М., 1931.
14. Покровский К. Л. Развитие водного права в Средней Азии // Вестник ирригации. – 1927. – №1.
15. Касталъский Б. Н. Историко-географический обзор Сурхан-Ширабадской долины // Вестник ирригации. – Ташкент, 1930. – №1–4.
16. “Сельскохозяйственная жизнь”, “Туркестанская правда”, “Туркестанские ведомости”, “Экономическая жизнь”, “Колхоз йўли” каби илмий тўплам ва нашрларда ўлка халқларининг хўжалик ҳаётига оид кўплаб материаллар бериб борилган.